



“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”

МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ
УНИВЕРСИТЕТИ



СУЮҚЛИКНИНГ ИККИ ХИЛ (ЛАМИНАР ВА ТУРБУЛЕНТ) ҲАРАКАТ РЕЖИМИ

«Гидравлика ва гидроинформатика»
кафедраси мудири, т.ф.д., проф.

А.М. Арифжанов

Такрорлаш учун саволлар

1. Суюқлик ҳаракатининг турлари;
2. Оқимнинг асосий гидравлик элементлари;
3. Идеал ва реал суюқликлар учун Д.Бернулли тенгламаси;
4. Д.Бернулли тенгламаси ҳадларининг энергетик ва геометрик маънолари.

1. Ламинар ва турбулент ҳаракат режимлари

Ҳар қандай ҳаракатдаги суюқликда қуидаги режимлар мавжуд: ламинар (лотин тилида *lamina* – «қатлам-қатлам») ва турбулент (лотин тилида *turbulentus* – «бетартиб»).

Суюқлик ҳаракати давомида ҳар хил режимлар мавжудлигини 1854 йил немис инженер-гидротехниги Г.Хаген, 1880 йил рус олими Д.Менделеевлар ҳам кузатишган.

Рейнольдс тажрибалари


Тажрибалар
суюқликнинг асосида
харакат икки хил
мавжудлигини режими
инглиз физиги 1883 йил
тасдиқлаган.




О. Рейнольдс
(1842-1912)

Рейнольдс қурилмаси

a)



б)



Ламинар
ҳаракат;

в)




Турбулент
ҳаракат.

d

ϑ

жс



Ламинар ҳаракат давомида суюқлик заррачалари қатлам-қатлам бўлиб жойлашади ва улар бир қатламдан иккинчи қатламга ўтмайди, оқим торлари эса бир-бирига параллел бўлади:

$$\vartheta < \vartheta_{kp}$$

Турбулент ҳаракат давомида суюқлик заррачалари бетартиб ҳаракат қила бошлийди ва оқим торларининг параллел ҳаракати бузилади:

$$\vartheta > \vartheta_{kp}$$

ϑ - оқимнинг ўртача тезлиги;

ϑ_{kp} - критик тезлик.

$$\vartheta = \frac{Q}{\omega}; \quad \omega = \frac{\pi d^2}{4};$$

Суюқликнинг ҳаракат режимларини характерловчи катталикка Рейнольдс мезони (сони) дейилади. Суюқликнинг ламинар ҳаракатдан турбулент ҳаракатга ўтиши Рейнольдс сони Re нинг маълум критик миқдори билан аниқланади ва у Рейнольдс критик сони Re_{kp} деб аталади.

Цилиндрик қувурларда критик Рейнольдс сони **2320** дан **4000** гача ўзгариши мумкин. Цилиндрик пўлат қувурларда Рейнольдс сони 2320 га teng бўлиши тажрибаларда кузатилган

$Re < Re_{kp}$ - ламинар ҳаракати режими;

$Re > Re_{kp}$ - турбулент ҳаракати режими.

Цилиндрик құвурлар учун қуидаги формула орқали анықланади:

$$Re = \frac{\vartheta d}{\nu}$$

ϑ - өкім тезлиги;

d - құвур диаметри;

ν - кинематик ёпишқоқлик коэффициенти.

Түрли шаклдаги ноцилиндрик құвурлар ва үзанлар учун Рейнольдс сони:

$$Re = \frac{\vartheta R}{\nu}$$

R - гидравлик радиус.

Кинематик ёпишқоқлик коэффициенти суюқлиknинг хилига ва ҳароратига боғлиқ равишда ўзгаради.

Кинематик ёпишқоқлик коэффициенти (сув учун)

<i>t°C</i>	0	5	10	15	20	30	50
<i>V, cm²/c</i>	0,0178	0,0152	0,0131	0,0124	0,0114	0,0081	0,0054

2.Ламинар ҳаракат режими

Цилиндрик пўлат қувурда:

$$\text{Re} < \text{Re}_{kp} = 2320$$

Суюқликларда ички
кучланиш:



Исаак Ньютон

$$\tau = -\mu \frac{du}{dy} -$$

Ньютон гипотезаси асосида
аниқланади
(1686-й.)

**Ламинар ҳаракатнинг математик модели Навье -
Стокс тенгламаси асосида ифодаланади.**

**Тенгламалар системаси А.Навье (1826й.), француз
мұхандиси,**

**Дж.Г.Стокс (1847й) Кембридж университети
профессори, томонларидан тавсия этилган .**


$$\frac{du_x}{dt} = X - \frac{1}{\rho} \frac{\partial P}{\partial x} + \frac{\mu}{\rho} \left(\frac{\partial^2 u_x}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u_x}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 u_x}{\partial z^2} \right)$$

$$\frac{du_y}{dt} = Y - \frac{1}{\rho} \frac{\partial P}{\partial y} + \frac{\mu}{\rho} \left(\frac{\partial^2 u_y}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u_y}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 u_y}{\partial z^2} \right)$$

$$\frac{du_z}{dt} = Z - \frac{1}{\rho} \frac{\partial P}{\partial z} + \frac{\mu}{\rho} \left(\frac{\partial^2 u_z}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u_z}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 u_z}{\partial z^2} \right)$$



ХАРАКАТДАГИ ИДЕАЛ СУЮҚЛИКНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАРИ

$$\left. \begin{array}{l} \frac{du_x}{dt} = X - \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x} \\ \frac{du_y}{dt} = Y - \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial y} \\ \frac{du_z}{dt} = Z - \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial z} \end{array} \right\}$$



Леонард Эйлер
(1707-1783)

Ламинар ҳаракат режимида қувур девори сиртидаги қаватнинг тезлиги нолга тенг бўлиб, қувур ўқига яқинлашган сари тезлик ошиб боради ва қувур ўқида тезлик максимал қийматга эга бўлади.



Қувур кўндаланг кесими бўйича тезликнинг тақсимоти

У ҳолда, цилиндрик құвурдаги ҳаракат тезлиги, күндаланг кесим бўйлаб парабола қонуни асосида тақсимланган бўлиб қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$u = \frac{\gamma}{4\mu} J \left(r_0^2 - r^2 \right)$$

бу ерда: **γ** – солиширма оғирлик;
 μ – динамик ёпишқоқлик коэффициенти.

Бу ердан сарф:

$$Q = \int u d\omega$$

$$Q = 2\pi \int_0^{r_o} u r dr;$$


$$Q = \frac{\pi g J}{128\nu} d^2$$

3. Турбулент ҳаракат режими

Сувнинг дарёлардаги, каналлардаги, гидротехник иншоотлардаги ҳаракати асосан турбулент режимда бўлади.


















Цилиндрик құвурда: $\text{Re} > \text{Re}_{kp} = 2320$

Үрталанган тезлик:

$$\bar{u} = \frac{1}{T} \int_0^T u dt$$

Тезлик пульсацияси: u'


$$u = \bar{u} + u';$$



Турбулент ҳаракат режимининг мохияти ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Ҳозирги кунда турбулент ҳаракатни ифодалашнинг бир неча моделлари мавжуд.

Уринма кучланиш:

$$\tau = \tau_l + \tau_T; \quad \tau \neq \mu \frac{du}{dy};$$



Мавжуд моделлар

О. Рейнольдс модели:

$$\tau_T = -\rho u'_x u'_y$$



О.Рейнольдс

Прандтль-Карман модели:

$$\tau_T = \rho l^2 \left(\frac{du}{dz} \right)^2;$$



Прандтль Людвиг

$u = \frac{u_*}{x} \ln z + c$ -тезликнинг логарифмик
тақсимоти;

x -Карман параметри;

u_* -динамик тезлик.

К.Ш. Латипов модели:

$$\tau_T = \mu \frac{du}{dy} + \int_0^z L du;$$




$$u = \frac{\rho g i}{L} \left(\frac{ch\sqrt{La} z}{ch\sqrt{La} h} - 1 \right)$$

К.Ш. Латипов

ch -гиперболик косинус;

La -Латипов параметри.

Ламинар ва турбулент ҳаракат режимида тезлик тақсимоти




Хулосалар:

1. Ихтиёрий шаклдаги қувурларда суюқлик оқимининг ҳаракатини ўрганишда, қувур диаметри ўрнига гидравлик радиус ёрдамида Рейнольдс сонини (мезони) аниқлаш мумкин :

Цилиндрик шаклдаги қувурлар учун гидравлик радиус:

$$\omega = \pi r^2 = \frac{\pi d^2}{4}; \quad R = \frac{\omega}{\chi} = \frac{d}{4};$$

$$\chi = 2\pi r = \pi d; \quad d = 4R;$$



$$Re_d = \frac{\vartheta d}{\nu} = \frac{\vartheta(4R)}{\nu} = \underline{\underline{4Re}}$$

2. Гидротехника амалиётида, асосан, оқимнинг турбулент ҳаракати кузатилади. Фақат ерости сувлари ҳаракати бундан мустасно. Ёпишқоқ суюқликлар ҳаракати эса, асосан, ламинар тартибда кузатилади.

3. Шуни таъкидлаш жоизки, гидродинамиканинг асосий тенгламалари (узлуксизлик тенгламаси, Д.Бернулли тенгламаси) ҳар иккала ҳаракатлар учун ўринлидир. Фақат Д.Бернулли тенгламасидаги солиштирма энергия (напор) йўқолиши ҳар хил ифодалар ёрдамида аниқланади.

4. Тажрибалар асосида Рейнольдс сонининг критик қиймати қуидаги аниқланган.

а) айлана цилиндрик шаклдаги қувурларда напорли ҳаракатланаётган суюқлик оқими учун:

$$Re_{kp} \approx 2320 \quad \text{ёки} \quad Re_{kp} \approx \underline{\underline{500 \div 564}}$$

б) түғри бурчакли очик каналларда ҳаракатланаётган суюқликлар учун Хопф тажрибасига асосан, бу катталик

$$Re_{kp} \approx 300 \quad \text{га тенг.}$$

МУСТАҚИЛ ТОПШИРИҚ

“Суюқликнинг ҳаракат режимлари” мавзусига
КОНЦЕПТУАЛ жадвал тузинг

Суюқликнинг ҳаракат режимлари	Таърифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар				
	Рейнольдс сони	Тезлик тақсимоти	Ньютон гипотезаси	Кориолис коэффиценти	Ўртacha тезлик
Ламинар ҳаракат					
Турбулент ҳаракат					

ЭБТІБОРЫНГІЗ ҮЧҮН РАХМАТ